

**“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти**  
**акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши**  
**БАЁНИ**

**2024 йил 20 август**

**№ 04/2024**

**Тошкент шаҳри**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

**Санаси ва вақти:** 20 август 2024 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди:

**А.Эргашев** – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 22 июлдаги 336-сонли қарори умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан А.Эргашев – умумий йиғилиш раиси, А.Насирдинов ва Н.Мелибоев умумий йиғилиш Раёсати аъзолари ҳамда Б.Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

**КУН ТАРТИБИ:**

- 1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**
- 2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**
- 3. Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.**
- 4. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

- 1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 22 июлдаги 336-сонли қарорига асосан Санок комиссияси 3 кишидан, яъни Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда

очик овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур Санок комиссияси раиси этиб Д. Курбанбаев сайланганлиги тўғрисидаги 2024 йил 20 августдаги 1-сонли баённома умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Санок комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг 150 614 111 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 1 та акциядори ва унинг вакили қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (154 381 972 дона)нинг 97,55 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Санок комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, умумий йиғилиш қворуми борлиги тўғрисида 2024 йил 20 августдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очик деб эълон қилинди.

## **2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

## **3. Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.**

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 22 июлдаги 336-сонли йиғилиш қарори билан жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилиниб, навбатдан ташқари умумий йиғилиш муҳокамасига киритилганини маълум қилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқлаш сўралди.

## **4. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.**

Раёсат аъзоси А.Насирдинов сўз олиб, жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 22 июлдаги йиғилиш баёни қарори билан жамият томонидан мазкур

жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида тузиладиган битимлар маъқулланиб, тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилгани маълум қилди.

Жамиятнинг 2024 йил учун тасдиқланган “Бизнес режаси” параметрларини ҳамда Ҳукумат томонидан берилган топшириқлар ижросини тезкор равишда таъминлаш ва лизинг лойиҳаларини ўз муддатида молиялаштириш орқали техникаларни лизинг олувчиларга ўз вақтида етказиб берилишини ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг, умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқлаш сўралди.

Умумий йиғилиш раиси А.Эргашев кун тартибидаги барча масалалар ўз ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси Д. Курбанбаев умумий йиғилишга қуйидагиларни эълон қилди:

Саноқ комиссиясининг 2024 йил 20 августдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 1 дона бюллетен тарқатилди ва 1 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қуйидагича овоз олинди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 150 614 111 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 150 614 111 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар- йўқ.

3. Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.

3.1. Эргашев Алишер Рахматуллаевич:

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 0 дона акциялар;

3.2. Бобобеков Зоҳиджон Анарбаевич:

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 150 614 111 дона акциялар;

3.3. Суёнов Дилмурод Холмурадович:

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 150 614 111 дона акциялар;

3.4. Валижонов Акмалжон Рахимович:

*Овоз бериш натижалари:*

Ёклаганлар – 150 614 111 дона акциялар;

3.5. Рўзиев Шухрат Негпулатович:

*Овоз бериш натижалари:*

Ёклаганлар – 150 614 111 дона акциялар;

3.6. Хасанов Махаммад Карим Муратович:

*Овоз бериш натижалари:*

Ёклаганлар – 150 614 111 дона акциялар;

3.7. Самиев Умид Хикматович:

*Овоз бериш натижалари:*

Ёклаганлар – 150 614 111 дона акциялар;

3.8. Шадманкулов Шерзод Аблакулович:

*Овоз бериш натижалари:*

Ёклаганлар – 150 614 111 дона акциялар;

4. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёклаганлар – 150 614 111 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Санок комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Санок комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

### **“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Санок комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. Жамият кузатув кенгашининг янги таркиби аъзоси этиб қуйидагилар 3 йил муддатга сайлансин:

- Бобобеков Зоҳиджон Анарбаевич;


- Хасанов Махаммад Карим Муратович;

- Суюнов Дилмурод Холмурадович;
- Рўзиев Шухрат Негпулатович;
- Валижонов Акмалжон Рахимович;
- Шадманкулов Шерзод Аблакулович;
- Самиев Умид Хикматович.


4. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан 2024 йил якунлари бўйича ўтказиладиган йиллик умумий йиғилишга қадар тузиладиган битимлар тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш раиси

А.Эргашев



Котиб



Б. Валиев

Баён тузилган сана: 2024 йил 20 август